



## ЭРКИН ИҚТІСОДИЙ ЗОНАЛАР ФАОЛИЯТИНИ РІВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

**Примов Сирожиддин Фурқат ўғли -**  
Тошкент молия институти, Бюджет ҳисоби  
ва ғазначилик факультети тьютори

[doi:https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss6/a81](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss6/a81)

**Аннотация.** Мақолада мамлакаттинг ижтимоий-иқтисодий юксалиши учун асосий омил ҳисобланған эркин иқтисодий зоналар, уларнинг жозабадорлыги ва уларни баҳолаш мезонлари зарурлиги назарий асослари ёритилиб ўтилган. Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлек, экспорт салоҳиятини ошириш, мінтақалар иқтисодиеті барқарорлиги ва мамлакаттимиздаги ҳозирги ҳолаты ёритиб берилган.

**Калит сұзлар:** эркин иқтисодий зона, инвестиция, инвестицион жозабадорлік, салоҳият, иқтисодий зона, саноат зонаси.

### ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ СВОБОДНЫХ ЭКОНОМИЧЕСКИХ ЗОНЫ

**Примов Сирожиддин Фурқат ўғли -**  
Ташкентский финансовый институт,  
Тьютори факультета "Бюджетный учет и казначейство"

**Аннотация.** В статье освещаются теоретические основы свободных экономических зон, их привлекательность и необходимость критерииев их оценки, которые являются основным фактором социально-экономического развития страны. Также освещаются малый бизнес и частное предпринимательство, повышение экспортного потенциала, стабильность региональной экономики и текущая ситуация в нашей стране.

**Ключевые слова:** свободная экономическая зона, инвестиции, инвестиционная привлекательность, потенциал, экономическая зона, индустриальная зона.

### PROSPECTS FOR THE DEVELOPMENT OF THE ACTIVITIES OF FREE ECONOMIC ZONES

**Primov Sirojiddin Furqat o'g'li -**  
Tashkent Financial Institute,  
Tutori of the faculty "Budget accounting and Treasury"

**Abstract.** The article highlights the theoretical basis of free economic zones, their attractiveness and the need for criteria for their evaluation, which are considered the main factor for the country's social and economic development. Also, small business and private entrepreneurship, increase of export potential, regional economy stability and the current situation in our country are covered.

**Keywords:** free economic zone, investment, investment attractiveness, potential, economic zone, industrial zone.

**Кириш.** Мамлакаттимиз худудларининг ишлаб чиқариш, ресурс салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш, транспорт, муҳандислик-коммуникация ҳамда ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришда эркин иқтисодий зоналарнинг алоҳида ўрни бор. Бугунги кунда мамлакаттимизда 23 та эркин иқтисодий ва 348 та кичик саноат зонаси фаолият юритаётган бўйиб, уларда умумий қиймати 2,6 миллиард долларлик 453 та лойиҳа амалга оширилиши натижасида 36 мингга яқин иш ўрни яратилган. Кичик саноат зоналарида эса 5 триллион сўмлик 1 минг 497 та лойиҳа ишга туширилиб, 36 мингдан зиёд кишининг бандлиги таъминланган [1].

Албатта, бу қувонарли ҳолат. Лекин мазкур зоналарда маҳаллий ва хорижий инвесторлар ўз фаолиятини тўлақонли бошлиши учун айрим муаммолар ҳам борки, бу янги инвесторлар ва тадбиркорларни истиқболли лойиҳаларни амалга оширишига ўз таъсирини кўрсатяпти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ва 2016 йил 26 октябрдаги «Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари мамлакаттинг давлат ва жамият ривожланиши истиқболини стратегик режалаштириш тизимига сифат жиҳатдан янги ёндашувларни бошлаб берди [2].

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш, иқтисодиётдаги ўрни ва аҳамияти, уларни ривожлантириш масалалари бўйича кўплаб хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимлар тадқиқотлар олиб боришган. Бу борада хорижий олимлардан эркин иқтисодий зоналарнинг географик жойлашуви ва уларда логистик хизматларни ташкил этиш бўйича R.J.McCalla [3], эркин иқтисодий зоналар назарияси ва амалиёти тўғрисида M.Guangwen

[4], әркін иқтисодий зоналар фаолияти, унинг иқтисодиётдаги ўрни ҳақида Я.С.Друзик [5], халқаро иқтисодиётда әркін иқтисодий зоналар фаолияти бүйіча Н.В.Черненконинг [6] илмий ішларини келтириб үтиш мүмкін.

Шунингдек, М.М.Богуславский фикрича, “Халқаро амалиётта давлатларнинг әркін иқтисодий ҳудудлари әркін иқтисодий зоналар”, деб тушунлади, бу ерда хорижий корхоналар фаолияти учун алоқида қулай шарт-шароитлар аник иқтисодий ва бөшқа вазифаларни ҳал қилиш учун яратылади [7].

Т.П.Данькоңнинг талқинича, әркін иқтисодий ҳудудлар “...қулай инвестиция муҳитини яратыш ҳамда ішлаб чиқаришни, савдо-сотиқни, илмий фаолиятни рағбатлантириш механизми” сифатида баҳоланади [8].

T.Farolening фикрича, “ЭИХлар мамлакат ва тадбиркорлик субъектлари ҳудудида жойлашган демографик ҳамда географик жойлар” деб таърифланған [9].

Профессор К.А.Семенов әркін иқтисодий зоналарга қуйидаги таърифін беради: “Әркін иқтисодий зоналар маълум бир давлатда сиёсий марказлар томонидан хұжалик фаолияти учун умумий қабул қилинған тартибга нисбатан имтиёзли режим ўрнатылған географик ҳудудлардір” [10]. Күриб турганимиздек, ушбу таърифда иқтисодий тузилмаларнинг хұжалик фаолиятига давлат қокимияти органларининг таъсири чекланғанлиги, имтиёзлар тизими мавжудлиги, анклавлиги ва ҳудудийлиги акс эттирилади.

ЭИЗнинг кенгроқ маънодаги таърифлари Т.П.Данько ва З.М.Оқрут каби олимлар томонидан берилған, улар таъкидлашича: “Әркін иқтисодий зоналар давлатнинг (давлатларнинг) суверен ҳудуди бўлиб, улар мамлакат (мамлакатлар гурухи) хұжалик комплексининг ажралмас қисми ҳисобланади ва бу ерда муайян, конкрет умумиллий, корпоратив мақсадга эришиш учун ижтимоий маҳсулотни ішлаб чиқариш ва тақсимлаш таъминланади” [11]. ЭИЗнинг ушбу таърифда ҳудудий суверенитет, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг тақсимлаш муносабатлари, тартибга солиш мақсадлари ўзида акс эттирилган бўлса-да, аммо ушбу маҳсус тартибга солиш механизми ўз ичига нималарни олганлиги аник кўрсатилмаган.

Жаҳоннинг кўпчилик мамлакатлари ЭИЗларни миллий хусусиятлари, иқтисодий тараққёт даражаси, мамлакатнинг сиёсий ва ижтимоий шароитларига қараб ташкил қиласы. Натижада ЭИЗлар ривожланишнинг ҳар бир босқичида янги белгилар ва хусусиятларга эга бўлди, бу эса ушбу иқтисодий категориянинг кўплаб таърифлари мавжудлигини билдиради.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 17 февралдаги “Маҳсус иқтисодий зоналар тўғрисида”ги ЎРҚ-604-сонли қонунида қуйидаги

таъриф берилған: “Маҳсус иқтисодий зона – тегишли ҳудудни жадал ижтимоий-иктисодий ривожлантириш учун чет эл инвестициялари ва маҳаллий инвестицияларни, юқори технологиялар ҳамда бошқарув тажрибасини жалб этиш мақсадида маҳсус ажратилған, белгиланган чегараларга ва маҳсус ҳуқуқий режимга эга бўлган ҳудуд” [12].

Амалга оширилған илмий-тадқиқот ишлари ва олиб борилған илмий назарий изланишларга қарамай, айнан бугунги глобаллашув ва демократик бозор ислоҳотлари шароитида әркін иқтисодий зоналар фаолиятини кенг қамровли статистик таҳлил қилишни тақомилластириш, иқтисодий фаолиятига таъсир қилувчи омилларни статистик моделлар асосида баҳолашга қаратилған масалалар тизимли ҳолда ёритиб берилмаган, шу боис танланған мавзу доирасида илмий тадқиқотлар олиб борилиши тақозо этилади.

**Тадқиқот методологияси.** Мақолада гурухлаш, таққослаш, умумлаштириш, индукция ва дедукция, қиёсий таҳлил ва статистик усулардан фойдаланилған.

**Таҳлил ва натижалар муҳоказаси.** Давлатимиз раҳбарининг “Маҳсус иқтисодий ва кичик саноат зоналари муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори әркін иқтисодий зоналар ҳудудида инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида ишга туширишга тўқсинглик қилаётган муаммоларнинг ечимига қаратилгани билан аҳамиятлиdir.


Унга мувофиқ, 2021 йилда әркін иқтисодий ва кичик саноат зоналари инфратузилмасини яхшилаш учун 1 триллион 600 миллиард сўм маблаг ажратилиши белгиланди. Эндиликда 17 та әркін иқтисодий зонада кўшимча электр энергияси, газ, ичимлик суви ва оқова сув тармоқлари ҳамда автомобиль йўлларини барпо этиш учун 584 миллиард сўм, 145 та кичик саноат зонаси учун 395 миллиард сўм йўналтирилади.

Йирик инвестиция лойиҳаларини инфратузилма билан таъминлаш мақсадида 232 миллиард сўм кўзда тутилгани, ривожланишдан орта қолган 33 та туманда саноат ва бизнесни жадал ривожлантириш учун 264 миллиард сўм ажратилиши айни мудда бўлди. Бугунги кунда энг муҳим масала әркін иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналаридаги лойиҳаларни ўз вақтида ишга тушириш экани айтилиб, жорий йилда әркін иқтисодий зоналарда умумий қиймати 1,1 миллиард доллар бўлган 332 та лойиҳа, кичик саноат зоналарда умумий қиймати 9,5 триллион сўм бўлган 1 минг 800 та лойиҳа ишга туширилиши режалаштирилди. Бу лойиҳалар эса юртимизда саноатни янада ривожлантириш,

импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришида муҳим омилдир.

“Ангрен” ЭИЗ ташкил этилганидан бўён умумий қиймати 292 млн. АҚШ долларига тенг

18 та лойиҳа амалга оширилди ва қарийб 940 та янги иш ўринлари яратилди.



**1-расм. Ангрен ЭИЗ маҳсулотлар экспорт ҳажми (млн. АҚШ доллары) [13]**

1-расм маълумотлари таҳлил натижаларидан кўринадики, Ангрен эркин иктиносидий зонасида маҳсулотлар экспорт ҳажми йиллар сайин кўпайиш тенденциясига эга бўлиб, 2013 йилда 0,17 млн. АҚШ долл.ни, 2014 йилда 0,98 млн. АҚШ долл.ни, 2015 йилда 6,9 млн. АҚШ долл.ни, 2016 йилда 13,0 млн. АҚШ долл.ни, 2017 йилда 16,2 млн. АҚШ долл.ни, 2018 йилда 17,9 млн. АҚШ долл.ни, 2019 йилда 23,1 млн. АҚШ долл.ни ташкил қиласан бўлса, 2021 йилга келиб, бу кўрсаткич 2013 йилга нисбатан 26,53 млн. АҚШ долл.га кўпайган ва 25,7 млн. АҚШ долл.ни ташкил қиласан.

Юқорида келтирилган кўрсаткичлар ва баҳолаш услубияти (моделини) ҳисобга олган ҳолда, сифат кўрсаткичлари асосида “Навоий” ЭИЗ, “Ангрен” ЭИЗ ва “Жиззах” ЭИЗлар мисолида уларнинг жозибадорлиги ва самараадорлиги ҳисоб-китобларини амалга ошириб кўрсатиб бе-

ришга ҳаракат қиласиз (фоиз нисбатида). Якунний натижалар қуйидаги 1-жадвалда келтирилган.

Жадвалдан кўриниб турибдик, иктисодий жиҳатдан қоплаш ва ишлаб чиқарилган маҳсулотлар экспорт динамикаси бўйича барча ЭИЗлар ижобий натижага берган. ЭИЗ иштирокчиларининг инвестициялари инфратузилма яратиш бўйича харожатларни қоплаши деярли 300 фоизни, товарлар экспортининг ўсиши 1,5 бараварни ташкил этган.

Шу билан бирга, ЭИЗларнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши 0,73 фоизни, экспортнинг умумий ҳажмида эса 0,54 фоизни ва хорижий инвестицияларда 1,92 фоизни ташкил этмоқда, холос. Бу, ўз навбатида, маҳаллий ЭИЗларнинг ривожланишига тўсқинлик қиласидан муаммолар ва омиллар мавжудлигидан далолат беради.

#### 1-жадвал Ўзбекистонда ЭИЗ фаолияти самараадорлиги ва жозибадорлигини баҳолаш [14]

№	Кўрсаткичлар номи	ЭИЗ			Жами	Чегара қиймати
		«Навоий»	«Ангрен»	«Жиззах»		
1.	ЭИЗ қопланиши (инвестициялар ва инфратузилмани яратиш учун харожатлар нисбати, %да)	230 %	329 %	346 %	298 %	150-200 %
2.	ЭИЗларнинг мамлакат ЯИМдаги улуши (ЭИЗ худудида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмининг мамлакат ЯИМга нисбати, %да)	0,07 %	0,47 %	0,19 %	0,73 %	8-10 %
3.	ЭИЗнинг мамлакат умумий экспортидаги улуши (ЭИЗда ишлаб чиқарилган ва экспорт қилинган маҳсулот ҳажмининг мамлакатдаги ишлаб чиқарилган маҳсулот экспортига нисбати, %да)	0,12 %	0,11 %	0,31 %	0,54 %	10-15 %
4.	ЭИЗ худудида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар экспорти динамикаси	2,5 p.	1,9 p.	1,2 p.	1,5 p.	20-30 %
5.	ЭИЗларнинг хорижий инвестициялар умумий ҳажмидаги улуши (ЭИЗга жалб қилинган хорижий инвестиция (ХИ) қийматининг мамлакат иктиносидиётидаги ХИ умумий қийматига нисбати, %да)	0,73 %	0,65 %	0,54 %	1,92 %	20-30 %

Умуман олганда, ЭИЗ фаолиятини баҳолаш уларни янада ривожлантиришнинг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда кўплаб ривожланаётган давлатлар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси олдида турган асосий вазифа маҳаллий ЭИЗларнинг самарали ишлшини таъминлашдир. Шу нуқтаи назардан, ЭИЗнинг ривожланиш даражаси ва фаолият кўрсатиш самарадорлигини баҳолаш услубияти ишончли механизм бўлиши мумкин. Ундан фойдаланиш ЭИЗларни ривожлантириш учун давлат томонидан ажратиладиган бюджет маблағларини оптимал равишда тақсимлашга ва пирвардида, ижобий натижаларга эришишга имкон беради. ЭИЗ самарадорлиги кўрсаткичларини баҳолаш учун биз ЭИЗнинг режа кўрсаткичлари бажарилишини кўзда тутадиган беш балли тизимдан фойдаландик. Бу ерда олинган ўртacha тортилган қийматлар асосида ривожланиш даражаси ҳисбот даври учун ЭИЗ фаолиятининг самарадорлиги қўйидаги мезонлардан фойдаланган ҳолда баҳоланади:

5 дан 4 баллгача – ЭИЗнинг самарали фаолият кўрсатиши;

4 дан 3 баллгача – ЭИЗнинг анча самарали фаолият кўрсатиши;

3 дан 2 баллгача – алоҳида йўналишларни такомиллаштириш зарурати билан ЭИЗнинг шартли равишида самарали фаолият кўрсатиши;

2 дан 1 баллгача – ЭИЗ фаолият кўрсатишининг самарадорлиги паст даражада;

1 баллдан паст – ЭИЗнинг самарасиз фаолият кўрсатиши.

Айниқса, ЭИЗнинг босқичма-босқич ривожланиши асосида халқаро тажрибани ўрганиш Ўзбекистонда ЭИЗларни ташкил этиш ва ривожлантириш имкониятлари ва истиқболларига холис баҳо бериш имконини беради. Кўпгина ривожланган мамлакатларда ЭИЗлар халқаро меҳнат тақсимоти жараёнига интеграциялашган. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Эркин иктиносидий зоналар фаолиятини фаолаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги[15] фармонига мувофиқ:

эркин иктиносидий зоналарни янада ривожлантириш учун тартиб-таомилларни соддалаштириш, инвестор ва тадбиркорларни жалб этишини кенгайтириш;

эркин иктиносидий зоналарда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштириш, хориждан юқори технологик ускуналар харид қилиш;

кичик саноат зоналарининг сармояларини жалб қилиш, тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли фаровонлигини ошириш;

эркин иктиносидий зоналар ва кичик саноат зоналарини электр энергияси, табиий газ, сув ва

бошқа коммуникация тармоқлари билан барқарор таъминлаш каби вазифалар белгилаб берилди.

Фармонда келтирилган устувор вазифаларнинг бажарилиши ва уни танқидий таҳлил асосида ўрганиш мақсадида “Мамлакатимиздаги эркин иктиносидий зоналар ва кичик саноат зоналарини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар самарадорлиги таҳлилига бағишиланган йиғилиш”да тегишли вазирлик, идора ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бу соҳадаги фаолияти танқид қилиниб, уларда ташаббускорлик етишмаслиги, эркин иктиносидий зоналар ва кичик саноат зоналарини ривожлантириш бўйича ишларни ташкил қилиш даражаси сустлиги таъкидланди.

Бу эса ўз навбатида, соҳада амалга оширилиши лозим бўлган ишлар назоратини кучайтириш ва белгиланган вазифаларни ўз вақтида амалга ошириш лозимлигини белгилаб беради.

**Хулоса ва таклифлар.** Хулоса ўрнида айтганда, эркин иктиносидий зона янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш, юқори технологик ишлаб чиқаришни ривожлантириш, замонавий рақобатбардош, импорт ўрнини босувчи, экспортга йўналтирилган тайёр саноат маҳсулотини ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга фаол жалб этиш мақсадида ташкил этиладиган худуддир. Уни тузишдан мақсад, энг аввало, мамлакатни ёки алоҳида олинган худудни стратегик ривожлантиришга доир вазифаларни, яъни ташқи савдо, умумиқтисодий, ижтимоий, худудий ва илмий-техник масалаларни ҳал қилишдан иборат бўлади.

ЭИЗ самарадорлигини баҳолаш мезонлари аниқ белгиланиши зарур, деб ҳисблаймиз. Ўзбекистонда ЭИЗ фаолиятининг самарадорлиги қўйидаги йўналишлар бўйича ҳануззагча чекланган: соф экспорт ҳажмининг баланд эмаслиги, маҳаллий қўшилган қиймат улушининг пастлиги, имтиёзлар, инфратузилма, харажатлар ва фойдалар ўртасидаги мувозанатни аниқлаш қийинлиги, қатъий маъмурий қоидалар, шунингдек, ишчи кучининг сифати билан боғлиқ ижтимоий муаммолар мавжудлиги.

ЭИЗ худудида жойлаштириш учун инвестиция лойиҳаларини танлаш ва ЭИЗ иштирокчиларини рўйхатдан ўтказиш жараёнини бирлаштириш ва Ўзбекистон учун янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун технологик лойиҳаларга, шунингдек, ушбу маҳсулотларнинг экспортга йўналтирилганлигини асосий талаб сифатида белгилаш зарур. Шу билан бирга, ЭИЗ худудида ва ундан ташқарида фаолият юритадиган тадбиркорлик субъектлари ўртасида соғлом рақобатни бузмаслик учун фақат экспорт қилинадиган маҳсулотлар ҳажми учун божхона имтиёзларини тақдим этиш тартибини белгилаш лозим.

## Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. <https://uzlidep.uz/uz/news-of-party/8971>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентнинг «Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4853-сонли фармони. 26.10.2016 й. Lex. Uz.
3. McCalla R.J. The Geographical Spread of Free Zones Associated with Ports. // Geoforum 21 (1) (1990): 123-128.
4. Guangwen M. The Theory and Practice of Free Economic Zones: A Case Study of Tianjin, People's Republic of China. // Doctoral Thesis, Ruprecht-Karls University of Heidelberg, Germany, 2003. Baraga H.C. Prospects for Free Zones Under FTAA. // Paper presented at the Integration in the Americas Conference, Latin American and Iberian Institute, University of New Mexico, 02 April 2006.
5. Друзик Я.С. Свободные экономические зоны. – М.: ФУАИнформ, 1999. С.В.Приходько, Н.П.Воловик. Особые экономические зоны. / Консорциум по вопр. приклад. эконом. исслед., Канад. агентство по междунар. развитию [и др.]. – М.: ИЭПП, 2007. – 268 с.
6. Черненко Н.В. Свободные экономические зоны в мировой экономике. // Вестник БГЭУ, 1998.
7. Богуславский М.М. Международное частное право. 5-е изд. – М.: Юрист, 2004.
8. Данъко Т.Л. Свободные экономические зоны в мировом хозяйстве. – М.: ИНФРА-М, 1998. С. 168.
9. Farole T. Special economic zones in Africa: comparing performance and learning from global experience. Directions in Development; trade. World Bank. 2011.
10. Семенов К.А. Международные экономические отношения. Курс лекций. – М.: Гардарики, 2000.
11. Данъко Т.П., Окрут З.М. Свободные экономические зоны в мировом хозяйстве. Учебное пособие. – М.: ИНФРА-М, 2008.
12. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 17 февралдаги "Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида"ги қонуни.
13. [www.stat.uz](http://www.stat.uz) – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси веб-сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.
14. Ҳисоб-китоблар мазкур ЭИЗлар ташкил этилгандан 2019 йилгача "Навоий" ЭИЗ, "Ангрен" ЭИЗ, "Жиззах" ЭИЗ ва Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида амалга оширилган. Хорижий ЭИЗларнинг кўрсаткичларини ҳисобга олган холда, чегара қўймати белгиланган.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентнинг «Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4853-сонли фармони.



## ЎЗБЕКИСТОНДА АГРАР СОҲАДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ БОСҚИЧЛАРИ ВА КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

Махмудов Азизхўжса Зиёдуллаевич –  
ТДИУ мустақил тадқиқотчиси,

 [https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss6/a82](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss6/a82)

**Аннотация.** Мақола аграр соҳадаги ислоҳотларнинг босқичлари ва концептуал асосларига бағишланган бўлиб унда ушбу соҳадаги ислоҳотларни 1991-2016 ва 2017-2021 йиллар оралиғидаги даврларга бўлиб таҳлил қилинган ва 2020-2030 йилларда Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини ривожлантиришининг стратегик йўналишилари тақлиф қилинган. Шунингдек, аграр соҳадаги давлат сиёсатининг асосий йўналишилари, замонавий шароитларда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишининг концептуал асослари очиб берилган ва кластер тизими шароитида фермер хўжаликлари муносабатлари тизимининг ташкилий тузилмаси тақлиф қилинган.

**Калим сўзлар:** қишлоқ хўжалиги, фермер хўжалиги, кўп тармоқли фермер хўжалиги, кластер тизими, давлат томонидан тартибга солишининг субъектлари ва объектлари, тамоиллари, қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиши, молиявий тартибга солиши ва қўллаб қувватлаш.

## ЭТАПЫ И КОНЦЕПТУАЛЬНЫЕ ОСНОВЫ РЕФОРМ АГРАРНОГО ХОЗЯЙСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ

Махмудов Азизхўжса Зиёдуллаевич –  
Независимый исследователь ТГЭУ

**Аннотация.** В статье раскрыты этапы и концептуальные основы реформы в аграрной сфере, анализ реформы в экономической сфере за период 1991-2016 и 2017-2021 гг., а также предложены стратегические направления развития аграрной экономики в Узбекистан в 2020-2030 гг. Также раскрываются основные направления государственной политики в аграрной сфере, концептуальные основы аграрной реформы в современных условиях, а также предложена организационная структура системы фермерских отношений в контексте кластерной системы.

**Ключевые слова:** сельское хозяйство, фермерское хозяйство, многоотраслевое хозяйство, кластерная система, субъекты и объекты государственного регулирования, принципы, государственное регулирование сельского хозяйства, финансовое регулирование и поддержка.

## STAGES AND CONCEPTUAL FOUNDATIONS OF AGRICULTURAL REFORM IN UZBEKISTAN

Makhmudov Azizzuja –  
Independent researcher of the TSUE

**Abstract.** The article reveals the stages and conceptual foundations of the reform in the agrarian sector, an analysis of the reform in the economic sphere for the period 1991-2016 and 2017-2021, and also suggests strategic directions for the development of the agrarian economy in Uzbekistan in 2020-2030. It also reveals the main directions of state policy in the agrarian sector, the conceptual foundations of agrarian reform in modern conditions, and also proposes the organizational structure of the system of farm relations in the context of the cluster system.

**Key words:** agriculture, farming, diversified economy, cluster system, subjects and objects of state regulation, principles, state regulation of agriculture, financial regulation and support.